

**Мейлиев Обид Рахматуллаевич,**  
Тошкент молия институти “Солиқлар  
ва солиққа тортиш” кафедраси  
доценти

## **МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар даромадлар базаси таҳлил этилган, шунингдек, маҳаллий бюджет даромадлари ва уларнинг таркиби, маҳаллий солиқ ва ийигимларнинг етарлилик даражаси баҳоланган. Мақолада Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришида солиқ имтиёзларининг таъсири таҳлил этилган ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, таклифлар берилган.*

*В данной статье проведен анализ доходной базы местных бюджетов, а также дана оценка доходов местного бюджета и их состав и уровню достаточности местных налогов и сборов. В статье анализируется влияние налоговых льгот на формирование доходов местного бюджета Самаркандской области, а также даются рекомендации и предложения по расширению доходной базы местного бюджета.*

*The article analyzes the revenue base of local budgets, as well as estimates the local budget revenues, their composition and the adequacy of local taxes and fees. The article considers the impact of tax incentives on the revenue generation of the local budget of Samarkand region and provides recommendations and suggestions for expanding the local budget revenue base.*

Бугунги кунда ривожланган давлатларда инвесторларга қулай муҳит яратиш мақсадида солиқ юкини кескин камайтириш орқали солиқ рақобатига киришилаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топишга, шунингдек, бевосита солиқлар орқали алоҳида ҳудудлар иқтисодий тараққиётига эътибор қаратилмоқда. Мазкур масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, бу йўналишда мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурияти ошиб бормоқда. Халқаро миқёсда ҳар йили мамлакатларнинг солиқларни тўлаш рейтинги<sup>1</sup> эълон қилиниб келинаётган бир вақтда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет-солиқ сиёсати бўйича ваколатларини оширишга эътибор қаратиш долзарблиқ касб этмоқда. Чунки хорижий мамлакатларда ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

<sup>1</sup>Paying Taxes 2018: In-depth analysis on tax systems in 190 economies: PwC. <https://www.pwc.com/gx/en/services/tax/publications/paying-taxes-2018/html>.

ваколатларининг чекланганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан бу борада илмий тадқиқотлар ўтказилиши ва натижалар амалиётга жорий этилиши ҳудуд иқтисодий тараққиётига, маҳаллий бюджетлар даромадлари базаси кенгайишига ва ўз навбатида, мамлакатларнинг халқаро рейтингдаги ўрни юксалишига хизмат қиласди.

Республикамизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юкини кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган обьектларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йифилувчанлигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий солиқ ва йигимларнинг солиқ маъмурчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида унинг ҳудудларини ривожлантиришда айрим муаммоларни ўрганиш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик, ишсизлик даражасининг ортиб бориши каби ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар илмий асосланган ҳолда ёндашувни тақозо этади. Айниқса, ҳудудлар ижтимоий-иктисодий жиҳатдан етарлича ривожланмаганлиги, инвестициялар оқими мамлакатимизнинг ривожланган ҳудудларига йўналтирилаётганлиги, шарт-шароит ва имкониятлар хилма-хиллиги оқилона иқтисодий сиёsat олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чукурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланғич ишларни жадаллаштиришимиз керак. Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим”<sup>2</sup>. Шу боис, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш масалалари доим долзарб ҳисобланади.

Маълумки, бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобига шаклланади. Шундай экан, ҳудудлар маҳаллий бюджетлари солиқли даромадларини шакллантириш механизмини тадқиқ этиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Давлат бошқарувининг ҳозирги даврида солиқлар иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантирувчи асосий восита ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органларида эса маҳаллий шарт-шароитларни тўлиқ ҳисобга олиш имконияти мавжудлиги, уларнинг солиқларга доир ваколатларини кенгайтириш орқали солиқларнинг бюджет даромадларидағи улушини ошириш мумкин.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ.2016.14-б.

Професор Ш.А.Тошматов маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш контекстида такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирган, шунингдек, худудий солиқ салоҳиятини баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш зарурлигини илгари сурган<sup>3</sup>.

Професор А.У.Бурханов фикрича, бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш тизимининг негизи худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги ассиметрик тафовут ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашда, биринчи навбатда, худудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

А.Х.Исламқулов республикамизда давлат бюджети даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятларининг молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳаларида ваколатларини аниқ белгилаб олиш лозимлигини таъкидлайди. Муаллиф бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптимал тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга оширишни таклиф этади<sup>5</sup>.

Маълумки, маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш умумиқтисодий ва молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, аксарият иқтисодчилар молиявий омиллар сифатида даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тизимини эътироф этадилар. Хусусан, А.Хайриддинов ҳар бир маҳаллий маъмурий худуддаги солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари бўйича солиқ суммаларининг маълум бир қисмини бевосита маҳаллий бюджетлар ихтиёрларига бириклирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий асосда қолдирилиши олдиндан белгиланиб қўйилиши кераклигини таъкидлайди<sup>6</sup>. Бунда асосий урғу даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлашнинг асосий комбинацион вариантларидан бири бўлган меъёрий ажратмалар тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

<sup>3</sup>Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари. // Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 10 ноябрь. –Т.: ТДИУ, 2017. –Б.27-28.


<sup>4</sup>Бурханов А.У.,Қурбонов Х. А.Худудларда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбани кенгайтириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида).//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018 йил, № 1.

<sup>5</sup>Исламқулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016 йил, № 4.

<sup>6</sup> Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.:БМА. 2011 йил. –Б. 16.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар фикр-мулоҳазаларида маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг турли усулларидан фойдаланиш орқали улар даромадлари барқарорлигини таъминлаш йўллари тадқиқ этилган.

Бу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиш механизми, уларнинг солиқли даромадларининг ўзгариш тенденцияларини ҳамда солик имтиёзларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришга таъсирини Самарқанд вилояти мисолида таҳлил қиласиз.



### 1-расм. Самарқанд вилоятида иқтисодиёт тармоқлари бўйича солик тушумлари динамикаси<sup>7</sup>, фоизда

1-расм маълумотларидан кўринадики, вилоятда саноат тармоғи бўйича солик тушумлари юқори бўлиб, 2014–2018 йилларда ўртacha 41,6 фоизни ташкил этган ва йиллар бўйича ўсиш даражасига эга. Натижада 2018 йилга келиб, жами солик тушумларининг 43,5 фоизи саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш тармоғининг ушбу йиллардаги улуши ўртacha 16,4 фоиз, қурилиш тармоғининг улуши ўртacha 5,0 фоиз бўлган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши ўртacha 8,6 фоизни ташкил этган ва сўнгги йилларда ўсиши кузатилган.

Вилоятда солик тушумларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича улуши динамикаси кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда вилоятда саноат, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун солик юки сўнгги йилларда камайтирилиши натижасида, уларнинг жами соликлар таркибидаги ҳиссаси унчалик юқори эмас.

Бундан ташқари, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига солик тизими таъсирини тадқиқ этишда, унинг таркибий қисми ҳисобланган шаҳар ва

<sup>7</sup> Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

туманлар даражасида солиқларнинг аҳамиятини ҳам тадқиқ ва таҳлил этиш лозим.

1-жадвал

### Солиқлар бўйича тушумларнинг вилоят худудлари бўйича тақсимоти<sup>8</sup>

фоизда

Т/р	Вилоят, шаҳар, туманлар	ЙИЛЛАР					2018 йилда 2014 йилдагига нисбатан ўзгариши
		2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Самарқанд шаҳри	40,3	39,3	40,3	39,1	36,5	-3,8
2.	Каттақўргон шаҳри	4,5	4,5	3,9	3,8	3,6	-0,9
3.	Оқдарё тумани	2,5	2,4	3,0	3,1	6,1	+3,6
4.	Булунғур тумани	2,7	2,7	2,7	2,6	2,5	-0,2
5.	Жомбой тумани	4,1	4,7	4,9	4,8	4,7	+0,6
6.	Иштиҳон тумани	2,7	2,7	2,8	2,9	3,0	+0,3
7.	Каттақўргон тумани	3,5	3,4	3,3	3,4	3,7	+0,2
8.	Қўшработ тумани	1,1	1,2	2,3	2,6	2,5	+1,4
9.	Нарпай тумани	4,1	4,0	3,8	3,8	4,1	-
10.	Пайарик тумани	3,7	3,6	3,4	3,5	4,1	+0,4
11.	Пастдарғом тумани	6,7	7,0	6,9	6,4	7,2	+0,5
12.	Пахтачи тумани	2,0	1,8	2,0	2,0	2,1	+0,1
13.	Самарқанд тумани	7,1	7,6	7,0	8,5	7,1	-
14.	Нуробод тумани	5,7	6,0	4,6	4,1	3,5	-2,2
15.	Тойлоқ тумани	3,5	3,7	3,5	3,6	3,6	+0,1
16.	Ургут тумани	5,7	5,7	5,8	5,7	5,3	-0,4
Вилоят бўйича жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-

Самарқанд вилояти худудий жиҳатдан 2 та шаҳар ва 14 тумандан иборат бўлиб, уларнинг жами солиқ тушумларида улуши кескин фарқ қилмаса-да, шаҳарлар ва туманлар бу борада бир-биридан кескин фарқланади.

Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, 2014–2018 йилларда вилоят таркибидаги шаҳар ва туманлар бўйича ўртача солиқ тушумлари 6,3 фоиз бўлиб, вилоят бўйича солиқ тушумларининг деярли (2014–2018 йилларда ўртача) 39,1 фоизи Самарқанд шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, солиқ тушумларининг улуши Самарқанд ҳамда Пастдарғом туманлари бўйича ўртача қўрсаткичдан юқори, қолган барча худудлар бўйича ўртача қўрсаткичдан паст. Айниқса, Қўшработ, Пахтачи ҳамда Булунғур каби туманларнинг солиқ тушумларида улуши анча кам. Бу ҳолат, ушбу худудлар асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги, уларда саноат ва хизмат қўрсатиш етарли даражада ривожланмаганлиги каби қатор сабабларга кўра намоён бўлмоқда.

Солиқ имтиёзлари орқали корхоналарнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилади. Шу боис худудлар иқтисодий ривожланишини таъминлашда солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>8</sup> Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Солиқ имтиёзларининг амалдаги ҳолатини, самарадорлигини таҳлил қилиш ва тадқиқ этаётган объектимиз - Самарқанд вилояти иқтисодиётига таъсирини ўрганиш лозим.

Вилоятда мавжуд бўлган жами хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчиларнинг ўртача 9,2 фоизи солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келмоқда.



## 2-расм. Самарқанд вилояти бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар<sup>9</sup>

Юқоридаги маълумотлардан қўришимиз мумкинки, вилоятда солиқ тўловчи юридик шахслар сони таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам равишда ошиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда жами солиқ тўловчи юридик шахслар сони 28974 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда 44825 тага етган ҳамда таҳлил этилаётган йилларда 1,5 баробарга ортган. Шундан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар сони 2014 йилда 4 492 та бўлган бўлса, 2018 йилда эса 593 тани ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, 2015 йилда солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони ортган бўлса, 2016 йилдан бошлаб, солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи юридик шахслар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Сўнгги йилларда солиқ имтиёзлари қисқартирилиши ва бекор қилиниши ҳисобига ҳудудларда рақобат муҳити соғломлашишига ҳамда ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромадлари ошишига эришиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Натижада иқтисодиётизмнинг айрим муҳим тармоқларидағи корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни тадбиқ

<sup>9</sup> Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари яратилмоқда.

2-жадвал

**Самарқанд вилоятида солиқ турлари кесимида солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолати<sup>10</sup>**

№	Солиқ турлари	Фоизда				
		2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	2,4	5,8	1,6	1,3	9,3
2.	Ягона солиқ тўлови	8,1	6,4	8,3	13,7	18,5
3.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	0,1	0,1	0,3	-	-
4.	Кўшилган қиймат солиги	66,7	65,1	65,3	44,5	46,1
5.	Юридик шахслар мол-мулк солиги	19,5	6,7	9,1	10,3	0,2
6.	Юридик шахслар ер солиги	0,2	0,3	1,5	17,8	22,3
7.	Сув ресурсларидан фойдалан-ганлик учун солиқ	0,001	0,001	6,7	9,5	-
8.	Давлат мақсадли жамғарма-ларига мажбурий ажратмалар	3,0	15,6	7,3	2,8	3,7
Жами		100	100	100	100	100

Вилоятда солиқ турлари кесимида солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолатини таҳлил қиласиган бўлсак, асосий солиқ имтиёзлари қўшилган қиймат солигидан берилган бўлиб, уларнинг салмоғи жами солиқ имтиёзларининг ўртача 57,5 фоизини ташкил этмоқда. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари ҳисобланган мол-мулк ва ер солиги бўйича солиқ имтиёзларининг улуши ўртача 17,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Бизнингча, бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда бир қатор муаммолар мавжудлиги ҳолатида, яъни улар харажатларини ўз даромадлари ҳисобига қоплай олмаётган бир шароитда солиқ имтиёзларининг кенг қўлланилиши бироз баҳслидир.

Вилоят маҳаллий бюджети шаклланиши жараёнига эътибор қаратсак, унинг таркибидаги аксарият туманлар харажатларини бириткирилган даромадлари ҳисобига қоплай олмайди.

<sup>10</sup>Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида тайёрланган.

З-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2014-2018 йилларда вилоят маҳаллий бюджети даромадларида маҳаллий солиқлар ва йигимлар улуши ўртача 21,8 фоизни ташкил этмоқда. Тахлил этилаётган йилларда маҳаллий солиқ ва йигимлар салмоғининг бирмунча ошиши 2017 ва 2018 йилларда кузатилган. Самарқанд шаҳри ҳамда Булунғур туманида маҳаллий солиқ ва йигимлар салмоғи анча кам.

Бу эса, ўз навбатида, вилоят шаҳар ва туманлари кесимида маҳаллий бюджет харажатларини маҳаллий солиқлар ҳисобига қоплаш имконини бермаяпти.

З-жадвал

**Самарқанд вилоятида маҳаллий солиқлар ва йигимларнинг маҳаллий бюджет даромадларида улуши динамикаси<sup>11</sup>**

Фоизда

Т/р	Вилоят, шаҳар, туманлар	ЙИЛЛАР				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Самарқанд шаҳри	8,8	9,5	11,5	13,9	12,8
2.	Каттақўргон шаҳри	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
3.	Оқдарё тумани	12,7	13,8	16,6	20,1	18,5
4.	Булунғур тумани	7,9	8,5	10,2	12,4	11,4
5.	Жомбой тумани	16,0	17,3	20,8	25,2	23,3
6.	Иштиҳон тумани	18,2	19,7	23,7	28,7	26,5
7.	Каттақўргон тумани	16,3	17,7	21,3	25,8	23,8
8.	Қўшработ тумани	19,8	21,4	25,8	31,2	28,8
9.	Нарпай тумани	39,5	42,8	51,4	62,3	57,5
10.	Пайариқ тумани	13,3	14,4	17,4	21,0	19,4
11.	Пастдарғом тумани	17,9	19,4	23,3	28,3	26,1
12.	Паҳтачитумани	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
13.	Самарқанд тумани	16,2	17,5	21,0	25,5	23,5
14.	Нуробод тумани	16,6	17,9	21,5	26,1	24,1
15.	Тойлоқ тумани	14,1	15,3	18,4	22,3	20,6
16.	Ургут тумани	25,1	27,2	32,7	39,6	36,6
Ўртacha		17,0	18,4	22,1	26,8	24,7

Маҳаллий бюджетлар даромадлари умумдавлат солиқлари ҳисобига шакллантирилиши улар харажатларини маҳаллий бюджетларнинг бирламчи даромад манбай ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йигимлар ҳисобига молиялаштириш имкони йўқлиги билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳаллий ҳокимият органларининг ўзларига бевосита бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йигимлар бўйича ваколатлари чекланганлиги шароитида, умумдавлат солиқларидан ажратмалар амалга оширилиши уларнинг ўз даромадлари базасини мустаҳкамлаш ваколатларини янада чеклаб қўймоқда.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг

<sup>11</sup>Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

даромадларини шакллантирувчи манбаларни муентазам кенгайтириб бориш зарур бўлади<sup>12</sup>.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиш бир-бири билан боғлиқ айrim муаммоларни хал этишни талаб қиласди. Жумладан:

- маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларини оширишнинг самарали йўналишларини қидириб топиш ва ўз даромад базаларини мустаҳкамлаш механизмини илмий асосда ишлаб чиқиш;

- бюджет-солиқ сиёсати бирлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини режалаштиришда ушбу мувофиқликка эришиш;

- маҳаллий бюджетлар хуқуқ ва мажбуриятларига кенг имкониятлар берилаётган бугунги кунда уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш.

Шунингдек, маҳаллий бюджет даромадлари ўз харажатларини қоплашга етмаётган бир шароитда маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини қисқартириш лозим ва маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш ваколатини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органларига бериш мақсадга мувофиқ.

Мухим масалалардан яна бири маҳаллий бюджетларни тузишда ўрта муддатли бюджетни жорий этиш масаласидир. Маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли режалаштириш натижасида минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига, ҳудудларда турли соҳа ва тармоқларни самарали молиялаштиришга эришилади, уларнинг асосий харажатлари йўналишлари ва белгиланган тадбирларни режалаштириш механизми такомиллашади<sup>13</sup>.

Солиқ тизими самарали механизмини яратиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш солиқ механизми, солиқ сиёсати ва ҳар бир солиқ тури доим такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, бугунги кунда маҳаллий солиқлар ва йифимлар амал қилишида ҳали бир қатор муаммолар мавжуд.

Ҳозирги шароитда маҳаллий солиқ ва йифимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги<sup>14</sup> каби муаммолар маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпди.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999 й. –389 б.

<sup>13</sup> Мамаджанов И, Топаров Қ, Ўроқов У, Файбуллаев О. Ўрта муддатли бюджет. Наманганд шаҳар бюджети мисолида. /Услубий қўлланма. –Т.: -Baqtria press. 2017 й. –206 бет.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндан “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ти ПФ-5468-сонли фармони. //www.Lex.uz.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлаш йўлларидан яна бири республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромад манбаларини тақсимлаш мезонларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Фикримизча, даромад манбаларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши лозим:

– республика бюджетининг даромадларига солиқ базаси турли ҳудудларда нотекис тақсимланган солиқлар-ресурс солиқлари ва иқтисодий барқарорликка жавоб берадиган марказлашган солиқлар-қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи тўлиқ бириктирилиши керак;

– ҳозирги вақтда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасидаги асосий талаблар маҳаллий бошқарув органлари зиммасига юқлатилган. Бу эса, ушбу корхоналар томонидан тўланадиган фойда солиғини маҳаллий бюджетларга тўлиқ бириктириш зарурлигини белгилайди;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тенг нисбатда тақсимланиши лозим. Чунки, бу солиқ доимий истиқомат тамоили асосида ундириб олинади ва маҳаллий молия органларини уни ундиришдан манфаатдорлиги ошади;

– маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашнинг муҳим йўлларидан бири маъмурий ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига қараб реал тарзда табақалаштириш имконини берадиган объектив мезонлар тизимиға ўтиш ҳисобланади. Бюджетлар ўртасида даромадларни тартибга солиш тизими ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланишини тавсифловчи объектив мезонларга боғлиқ бўлиши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармони://www.lex.uz.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. . –Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ.2016 й.

3. Мамаджанов И, Топаров Қ, Ўроқов У, Файбуллаев О. Ўрта муддатли бюджет. Намангандар шаҳар бюджети мисолида. //Услубий қўлланма. –Т.: -Baqtria press. 2017 й.

4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т., Ўзбекистон, 1999 й.

5. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари. –Т.: ТДИУ, 2017 й.

6. Бурханов А.У., Курбонов Х.А. Ҳудудларда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбанини кенгайтириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида).

//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.  
2018 й., № 1.

7. Исламқулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016 й., № 4.

8. Хайдариддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2011 й.

9. Paying Taxes 2018: In-depth analysis on tax systems in 190 economies:  
[www.pwc.com/gx/en/services/tax/publications/paying-taxes-2018/html](http://www.pwc.com/gx/en/services/tax/publications/paying-taxes-2018/html).

10. Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари.

11. [www.lex.uz-Ўзбекистон](http://www.lex.uz-Ўзбекистон) Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти.